



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ўзини халқ
сайлаганини
билган
мансабдор
ҳеч қачон
кибрли
бўлмайди

1913-yil aprel oyidan chiqqan boshlagan

E-mail: zarafshong@mail.ru



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 12-yanvar, seshanba, 4 (23.440)-son

Муаммолар маҳаллабай ўрганилмоқда

“Одамларимиз эртага эмас, бугун бахтли яшашлари керак”.

Мазкур шior бугун давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишига айланди. Бугун нимаки қилинаётган, янгилик амалга оширилаётган бўлса, унинг пировард мақсадига айна шу шior асос бўлмоқда.

Жумладан, куз-қиш мавсумида олис ҳудудларда аҳолининг турмуш тарзида учраётган муаммоларини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Бунинг учун вилоят ҳокимлигининг тегишли йиғилиш баёнига асосан барча шаҳар, туман учун масъул ишчи гуруҳлар тузилган. Ҳар бир ишчи гуруҳига вилоятдаги бошқарма ва ташкилот бошлиғи раҳбар этиб белгиланган.

ЎЎТИБОР НИМАГА ҚАРАТИЛАДИ?

Гуруҳ аъзолари вилоятнинг олис аҳоли пунктларида уйма-уй юриб, фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларини ўрганади ва уларни ҳал қилади. Биринчи навбатда, ижтимоий соҳа объектларининг мавсумга тайёргарлик ҳолати (иситиш тизимининг ишлаши, кўмир билан таъминланганлиги ва ҳоказо), аҳолига суюлтирилган газ баллонлари ўз вақтида етказиб берилиши, кўмир маҳсулотлари билан таъминланганлигини ўрганади.

Шунингдек, ҳудудлардаги электр энергияси таянч устунлари, тармоқлари ва трансформатор пунктлари, табиий газ тармоқлари ва газ тақсимлаш пунктларининг ҳолатини кўздан кечирилади.

Бундан ташқари, ўрганишлар давомида сайёр тартибда давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилади. Мухими, аҳолини табиий кўриқдан ўтказиш белгиланган.



ЎЎГАНИШЛАР НИМАНИ КўРСАТМОҚДА?

Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасидан олинган маълумотга кўра, ишчи гуруҳлар кунига 113 маҳаллада иш олиб бормоқда. Шу пайтгача 6544 та хонадонлар ўтганилган, билдирилган 1307 та мурожаат қаноатлантирилган.

Ўрганишларда жойларда аниқланган муаммони тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш чоралари ҳам кўрилмоқда, - дейди вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бош мутахассиси Жаҳонгир Маматов. - Хусусан, ёзда чанг, қишда лой бўлиб ётадиган 87 километр йўлга шағал ётқизилди. 149 та маънан эскирган симёғочлар алмаштирилди.

Гарчи, умумлаштирилаётган маълумотлар тўғрисида биринчи шубҳа уйғотса-да, тегишли хулосалар чиқаришга асос бўлади. Чунинчи, энг кўп мурожаатлар Булунғур (550) ва Иштихон (378) туманларида қаноатлантирилган. Бу туманларда шу пайтгача муаммолар тингланмаганини ёки аксинчани?

Рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, яқин орада ҳаммаси яхши бўлишига ишонмасликнинг илоҳи йўқ. Негаки, ишчи гуруҳлар фаолияти



давомида 14 252 тонна кўмир тарқатилган. Табиий газ етиб бормайдиган ҳудудларда 25 минг 982 та газ баллон алмаштирилган. Қолаверса, 70 та трансформатор пунктлари таъмирланган ҳамда 17 мингдан зиёд аҳоли табиий кўриқдан ўтказилган.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА АЙТИЛИШИЧА...

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳматжон Маматов Паст Дарғом туманида бўлди. Вазир тумандаги Чимбой маҳалласида вилоят ва туман мутасаддилари билан учрашиб, Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар ижросининг маҳаллабай бажарилиши юзасидан тегишли топшириқлар берди. Ҳар бир ташкилотга тегишли масалаларга виждонан ёндашиб, халқни рози қилиши кераклиги, “Маҳалла раиси - ислохотчи”

«Кун нафаси»

тамоили асосида ишлаш зарурлиги таъкидланди. Қайд этилишича, туманда 16 та трансформатор таъмирталаб ҳолга келган. Кам қувватли 4 та трансформатор пунктини алмаштириш талаб этилади. Шунингдек, 46 та маънан эскирган, 94 та қўлбола симёғочларни алмаштириш, аҳолини суюлтирилган газ баллонини билан тўлиқ таъминлаш зарур. Мавжуд 9 та тупроқ кўчага шағал-тош ётқизиш керак. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири 102-умумий ўрта таълим мактабида сайёр қабул ўтказиб, фуқароларнинг 50 дан ортик мурожаатларини тинглаган ва жойида бартараф этиш чоралари кўрилган.

БУЛУНҒУРДА АХВОЛ ҚАЧОН ЎНГЛАНАДИ?

Фармонтепа қишлоғи аҳолиси ишчи гуруҳи томонидан ҳудудда тоза ичимлик суви бўлмагани учун алоҳида сув иншооти қурилиши кераклиги, МТТ, спорт зали йўқлигини билдирди. Шунингдек, йўлларнинг таъмирланishi, симёғочлар эскирганлиги, табиий пунктни қуриш кераклиги, ҳудудда табиий газ бўлмагач, суюлтирилган газ баллонлар ҳам ўз вақтида етказилмаётгани каби муаммоларни айтди.

Қисқа фурсатда кўтарилган муаммолар ижросига киришилди. Жумладан, “Hududgaz Samarqand” газ таъминоти филиали томонидан 100 дан ортик газ баллонлар тарқатилди. Ички йўлларнинг қарийб 10 километр қисмига тош тўкилиб текисланди. Эски симёғочлар янги темир-бетон устунларга алмаштирилмоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ҳудуддаги бешта қишлоқ аҳолиси учун чуқурлаштирилган табиий кўрик ташкил қилди. Фуқароларда касаллик аниқланган тақдирда тегишлилиги бўйича туман ва вилоят шифохоналарига ётқизилди.

Албатта, бу билан маҳаллада муаммолар тўлиқ ҳал этилгани йўқ. Олдинда қилинадиган талай ишлар бор.

Маҳаллалардаги ўрганишлар тизимли ташкил қилинса, айниқса, унинг натижаси самарали бўлса, бу давлатга ҳам, одамларга ҳам бирдек наф келтиради.

Хусан ЭЛТОЕВ.

«Паспорт ўрнига...»



1000 нафардан зиёд самарқандлик ID-КАРТАГА эга бўлди

Жорий йилнинг 4 январидан биометрик паспорт ўрнига ID-карталар берила бошлади. Вилоятимизда Самарқанд шаҳрига 3 та, Ургут туманига 2 та, бошқа шаҳар ва туманларга биттадан замонавий махсус қурилмалар келтирилди. Улар ёрдамида фуқароларга шахсини тасдиқловчи ID-карталар расмийлаштирилмоқда.

Ўтган бир ҳафта давомида туман ҳамда шаҳар миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиmlарига мурожаат қилган 1088 нафар фуқаро ID-картага эга бўлди.

ID-карталарни олиш учун ҳеч қандай махсус ҳужжатлар талаб этилмайди, - дейди Самарқанд шаҳар ички ишлар органларини мувофиқлаштириш бошқармаси миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, подполковник Олим Норкулов. - Фақат паспорт, ариза ва давлат божи - базавий ҳисоблаш миқдорининг 89 фоизи (198 470 сўм) тўлиниши лозим. Биринчи марта паспорт олиш учун мурожаат қилган ёшлар ариза, туғилганлик ҳақида гувоҳномаси, отаси ёки онасининг паспорти нусхасини тақдим этади. ID-карталарни бир иш кунинда олиш имконияти мавжуд. Шу кунгача бўлимида 2 та ҳамда шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига келтирилган 1 та махсус қурилмалар ёрдамида 500 нафардан зиёд фуқарога ID-карталар берилди.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Олий таълимга йўл академик лицейдан

Қабул Давлат тест маркази орқали

2020 йилнинг 3 декабрида Президентимиз томонидан “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилинди.


Қарорда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб иқтидорли ёшларни академик лицейларга танлаб олишда жиддий ўзгаришлар амалга оширилиши белгиланди. Бу янгиликлар ҳозиргача амалда бўлган тартиблардан бир қанча жиҳатлари билан фарқ қилади. Айни пайтгача лицейларга ўқувчилар қабули Ўзбекистон Республикаси Олий ва

ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган низомга биноан ўтказиларди. Бунда асосий ишни академик лицей қошида тузиладиган комиссия бажарарди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб академик лицейларга иқтидорли ёшларни саралаб олиш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари асосида амалга оширилади. Фан олимпиадалари, танловлар ғолиблари ва фанларни ўзлаштириш сертификатига эга бўлган мактаб ўқувчилари учун лицейга қабул қилишда имтиёзлар мавжуд.

2-саҳифа >>>

Газеталар бу йил неча нусхада чоп этилади?

| Т/р | Вилоят, шаҳар ва туман газеталар номи | Газеталарнинг адади, даврийлиги, формати | | |
|-----|--|--|------------------------|---|
| | | Йилнинг биринчи ярмида | Йилнинг иккинчи ярмида | Даврийлиги (ой ҳисобида) формати (А-2, А-3) |
| 1 | “Зарафшон” газетаси | 19 764 | 13 615 | 13 марта, А-2 |
| 2 | “Самарқандский вестник” газетаси | 6176 | 4376 | 8-9 марта, А-2 |
| 3 | “Овози Самарқанд” газетаси | 3670 | 2799 | 8-9 марта, А-2 |
| 4 | “Иштихон овози” газетаси | 4015 | 4015 | 3 марта, А-2 |
| 5 | “Нуробод” газетаси | 3378 | 2112 | 3 марта, А-2 |
| 6 | “Пайариқ ҳаёти” газетаси | 3300 | 3300 | 3 марта, А-2 |
| 7 | “Ургут садоси” газетаси | 3279 | 1915 | 4 марта, А-2 |
| 8 | “Оқдарё овози” газетаси | 3200 | 3200 | 4 марта, А-2 |
| 9 | “Пахтакор овози” газетаси (Нарпай тумани) | 2892 | 2537 | 4 марта, А-2 |
| 10 | “Жомбой тонги” газетаси | 2800 | 1800 | 4 марта, А-3 |
| 11 | “Булунғур ҳаёти” газетаси | 2785 | 2785 | 3 марта, А-2 |
| 12 | “Пахтачи” газетаси | 2700 | 2500 | 3 марта, А-3 |
| 13 | “Гулбод тонги” газетаси (Самарқанд тумани) | 2565 | 1390 | 4 марта, А-2 |
| 14 | “Каттақўрғон ҳақиқати” газетаси | 2532 | 1669 | 4 марта, А-3 |
| 15 | “Самарқанд” газетаси (Самарқанд шаҳар) | 2512 | 2062 | 4 марта, А-3 |
| 16 | “Кўшчинор” газетаси (Тойлоқ тумани) | 2400 | 2327 | 4 марта, А-3 |
| 17 | “Каттақўрғон тонги” газетаси (Каттақўрғон шаҳри) | 2193 | 1293 | 3 марта, А-3 |
| 18 | “Истикбол сари” газетаси (Кўшрабат тумани) | 1970 | 1560 | 3 марта, А-3 |
| 19 | “Паст Дарғом ҳақиқати” газетаси | 1450 | 1200 | 3 марта, А-3 |



Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳри, Тойлоқ, Жомбой, Булунғур, Паст Дарғом, Самарқанд туманларида ўтказилган сайёр судларда 62 нафар шахс жазони ўташдан муддатидан олдин озод қилинди, 16 нафар шахсга нисбатан ишлар тугатилди, 2 нафар судланувчи қамқондан озод қилинди.

Вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимига фаолият кўрсатиб келаётган Дилфуза Азизова Самарқанд тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари ўртасида ўтказилган марафонда Марказий ҳарбий округ спорт взводи кичик сержанти Илхом Назаров 10 километрлик масофада 1-ўринни эгаллади.

Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ходимларининг 2020 йил давомида олиб борган экологик назорат тадбирлари давомида фуқаролар томонидан турли йўналишлар бўйича жами 5375 та қонунбузилиш ҳолатлари содир этилгани аниқланди.

“Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади”.

Мурожаатнома фаолиятимиздаги камчиликларни таҳлил қилишга ундади



Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида келтирилган ушбу жумла-лар таълим соҳасида меҳнат килаётган биз, педагогларни мулоҳазага chorлаши тайин. Чунки кейинги йилларда қиш-лок ва шаҳарлар ўртасидаги тафовутга аста-секин барҳам берилмоқда. Бир вақтлар одамлар шаҳарларга интилган бўлса, бугун қишлоқлар кун сайин обод бўлиб, шаҳардан қолишмайдиган қиёфага кирмоқда. Муҳими, қишлоқ мактабларини малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши давлат аҳамиятидаги масала сифатида эътироф этилмоқда. Шу нуқтаи назардан Мурожаатнома барча соҳалар каби таълимдаги энг долзарб масалалар тўла қамраб олинганлиги билан аҳамиятли. Биргина, “Соҳага ягона “электрон таълим” тизимини жорий этишга келгуси 2 йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади”, деган сатрларнинг ўзи мамлакатимизда таълим сифатини тубдан ошириш, халқаро меъёрларга тенг келадиган замонавий тизим барпо этишга эришишдек муҳим вазифалар белгиланаётганини кўрсатади. Сермазун ва тушунарли дарсликлар яратиш, келгуси ўқув йилида бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий таъриба асосида, болаларга ортиқча юклама бермайдиган “Миллий ўқув дастури” жорий этиш, ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга қаратилган узлуксиз тизим яратиш ҳақидаги фикрлар ҳам эътиборга молик. Келгуси йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб фаолият бошлашининг ўзи бу борадаги амалий ишлар аллақачон бошлаб юборилганлигини кўрсатади. Ўқитувчи-мураббийларни кадрлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш ишлари узлуксиз давом этиши Мурожаатномада алоҳида таъкидланди. Бу эса биз, ўқитувчиларни касбимиздан фахрлинишга, шу билан бирга зиммаимиздаги катта масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этишга ҳам чорлайди. Феруза ТОҒАЕВА, Иштихон туманидаги 1-ИДУМ директори ўринбосари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати."/>

Олий таълимга йўл академик лицейдан

Қабул Давлат тест маркази орқали

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Академик лицейларга ҳужжат топширувчиларни рўйхатдан ўтказиш Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти орқали амалга оширилади. Академик лицейнинг тегишли йўналишида ўқиш учун келиб тушган аризалар сони белгиланган қабул параметрига 2:1 нисбатдан кам бўлган ҳолларда мазкур йўналиш бўйича қабул параметрлари тегишли ўқув йили учун аризалар сонига нисбатан икки баравар қисқартирилиши (бундан мазкур йўналиш учун бир академик гуруҳ ўқувчилари сонига тенг бўлган ҳоллар мустасно) белгилаб берилди.

Бу банд иқтидорли ёшларни саралаб олишда ҳақиқий рақобат муҳитини юзага келтириши ва пировардида муносиблар танланишига имконият яратади. Ҳолбуки, шу пайтгача баъзи лицейларнинг айрим йўналишларида ўқувчиларни саралаб олиш даражаси анча паст эди. Чунки, қабул параметридаги ўринлар сонига нисбатан тушган аризалар унчалик кўп бўлмас, гоҳида етмай қоларди. Ноилоҳ, ариза топширганларнинг барчаси, билими қандайлигидан қатъи назар, лицейга қабул қилинарди. Иқтидори етарли бўлмаган бундай ўқувчилар ўқув дастурларини ўзлаштиришда қийналиб, педагогик жамоа учун ҳам муаммолар туғдирарди. Янги қарорнинг амалга татбиқ этилиши бу каби камчиликларга барҳам беради. Шу билан биргаликда ўқувчиларни саралаб олишда адолат ва шаффоқлик таъминланади.

ЛИЦЕЙДА “РЕКТОР СОАТИ”

Қарор билан танишор экансиз, унда таълим сифатини оширишга қаратилган аниқ ва долзарб вазифалар белгилаб берилганлиги гувоҳ бўласиз. Жумладан, умумтаълим фанлар соати ҳисоби-га чуқурлаштирилган фанлар соатини ошириш ҳамда улар улушини камида 50 фоизга етказиш режалаштирилмоқда. Олий таълим муассасаларининг турдош таълим йўналишларида такроран ўқитиладиган фанлар академик лицейлар ўқув дастурларидаги тегишли фанлар билан унификация қилинмоқда.

Шу пайтгача академик лицейлар номига тегишли олий ўқув юрти қўшиб айтилса-да, амалда ўртада кўз илғамас бўшлиқ бор эди. Баъзи олийгоҳ раҳбарлари академик лицейлар муаммоларини ҳал қилиш, кўмак бериш, ўзаро ҳамкорлик масалаларига етарлича эътибор қаратмади.



Бу ишларнинг ақсарияти қоғозда қолиб кетди. Икки йил давомида бирор марта академик лицей ўқувчилари ва ўқитувчилари билан учрашув-мулоқот ўтказмаган олий ўқув юрти раҳбарлари ҳам афсуски учради.

Янги қарор ўртадаги узилишга барҳам беришга қўлмай, олий ўқув юрти билан академик лицейни бир-бирига янада яқинлаштириши, таълим сифатини оширишга қаратилган ўзаро ҳамкорликни кучайтиради. Қарорда олий таълим муассасалари проректорлари (филиал директори ўринбосарлари), кафедралари ўз йўналишлари бўйича академик лицейлар фаолиятига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва назорат қилиш учун масъул этиб, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, шу жумладан, раҳбар ходимлари академик лицейларнинг дарс машғулотларида жалб қилиниши белгилаб қўйилганлиги академик лицейлар нуфузини кўтаришда муҳим омил бўлади, десак янглишмаймиз.

Олий таълим муассасаларининг ўқув ишлари учун масъул проректори (филиал директори ўринбосари) бир вақтнинг ўзида академик лицей директори ҳисоблангани, академик лицейларда ҳар ойда камида бир маротаба бевосита олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан академик лицей ходимлари ва ўқувчилари иштирокида «ректор соати» ўтказиб бориш вазифасининг қўйилиши бу – олийгоҳ билан академик лицейни чамбарчас боғлайди, мақсадлар муштараклигини рўёбга чиқаради.

ЯХШИ ЎҚИТУВЧИГА 100 ФОИЗ УСТАМА

Қарорда академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш учун илғор хорижий мамлакатлар малакали экспертлари жалб қилинишига урғу берилган, 2021 йилдан бошлаб пешқадам хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Финляндиянинг малакали экспертларини жалб қилган ҳолда ҳар йили академик лицейлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган «Йўл харита»сини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси белгилангани диққатга сазовор. Бу тизимга янги қарашлар, илғор технологиялар киритиб келатилиши аниқланди.

Қарорга кўра, давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан 2021 йил 1 январдан бошлаб академик лицей педагоглари ва ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш Халқ таълими вазирлиги тизимидagi айрим фанларга ихтисослаштирилган мактабларнинг тегишли ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари асосида амалга ошириладиган бўлди. Бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муассасасининг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари, жумладан, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан академик лицейларда ўрнак кўрсатган педагог ва ходимларга лавозим маошларининг 100 фоизгача миқдоридан ҳар ойлик устамалар тўлашига изн берилмоқда. Бунинг замирида самарали ва намунали меҳнатга нисбатан рағбатдан ташқари ўқитувчида ўз устиди ишлаш, ташаббускорлик кўрсатиш, янги педтехнологияларни қўллашга бўлган интилишни қўллаб-қувватлаш мужассам.

Академик лицейларга бюджетдан ташқари, шунингдек олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иқтидорли педагогларнинг хорижий мамлакатлар таълим муассасаларида ўз мутахассислиги бўйича қисқа муддатли малака ошириш, шу жумладан, онлайн

Академик лицейларнинг фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD), шунингдек, фан доктори ёхуд фан доктори (DSc) илмий даражаларига, профессор ёки доцент илмий унвонларига эга бўлган педагог ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра олий таълим муассасаси катта ўқитувчисига тенглаштирилди.

курсларда ўқиши билан боғлиқ харажатларни тўлиқ ёки қисман қоплаш имкониятлари берилмоқдаки, бу ҳам ўқитувчи салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутаяди.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙНИНГ РЕЙТИНГИ БЎЛАДИ

Академик лицейларда гуруҳ журнали, рейтинг дафтарчаси, ўқув машғулотлари, имтиҳон жадваллари, ўқувчилар ўзлаштириши, давомати, диплом ва академик маълумотномаларни рақамлаштиришнинг назарда тутувчи ахборот тизимини жорий этиш кўзда тутилади. Шуниси диққатга сазоворки, бу таълимда самарадорликни таъминлашга хизмат қилибгина қолмай, тизимдаги маълумотлардан ота-оналарнинг ҳам бемалол танишиш имкониятини яратади. Натижада ота-оналар фарзандининг лицейда қандай ўқиётгани, дарслардаги иштироки бўйича бохабар бўлиб боради.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб академик лицейларнинг республика бўйича рейтинг юритилиши белгилаб қўйилди. Бу ўзаро рақобат ва мусобақа муҳитини юзага келтириши табиий. Қарорда рейтинг натижалари бўйича узлуксиз 3 йил давомида таълим сифатига оид кўрсаткичларида салбий динамика кузатилган сўнгги 5 та ўриндан бирини эгаллаб келган академик лицейлар бошқа олий таълим муассасаси тасаруфига ўтказилиши ёки бошқа турдаги таълим муассасаси сифатида қайта ташкил этилиши белгиланган. Мазкур талаб академик лицей жамоасини бир қадар хушёр тортиради, таълим сифати кўрсаткичини ошириш учун жиддий ҳаракат қилишга, жавобгарликни ҳис этишга даъват этади.

Маълумки, таълим ва тарбия бир бири билан чамбарчас боғлиқ. Бирисиз иккинчисини талсабвуур қилиш қийин. Қарорда ўқувчи-ёшларда кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш, илм-фанга бўлган қизиқишни ошириш, уларнинг фан олимпиадаларидаги иштирокини кенгайтириш билан биргаликда ўқувчиларни амалга ошириладиган ишловларнинг фан иштирокчисига айлантириш, ватанпарварлик, изланувчанлик ва яратувчанлик руҳида тарбиялаш масаласи ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Қарорда белгилаб берилган кенг қўламли вазифаларнинг айримлари бўйича муҳтасар фикр юритдик, холос. Унда академик лицейлар умумий фаолиятини такомиллаштириш, ўқитиш сифат даражасини ошириш бўйича бандма-банд жуда кўп йўналиш ва вазифалар белгиланган. Умуман олганда, бу ҳужжат академик лицейлар фаолиятини ислоҳ қилиш борасидаги жиддий ва катта одимнинг бошланишидир.

Амирлло АҲМЕДОВ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали академик лицейи директори ўринбосари.



«Ватанпарварлик»



Ҳарбийликка қизиқишим ортиди

Самарқанд туманидаги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшиқлари ва ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги тасарруфидagi ҳарбий қисмда ўқувчи-ёшлар учун очиқ эшиклар куни ташкил этилди.

Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги доирасида ўтказилган тадбирга тумандаги 8-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари таклиф қилинди. Тадбирда қисм бошлиги ўринбосари Р.Раззоқов ҳарбий хизматчи қандай бўлиши кераклиги, зарур билим ва кўникмага эга ёшлар ҳарбийликка танлаб олиниши ҳақида тушунча бериб, ҳарбийларнинг бир кунлик фаолияти билан таништиради.

– Ҳарбийлар билан юзма-юз учрашиш, улар ҳаёти билан яқиндан танишиш бизга ёқди, – дейди Шерзод Бўронов. – Ҳарбийлар кийимларини кийиб кўрдик ва аскарликка қизиқишимиз ошди.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

Фаолияти тўхтаб қолган тадбиркорга ким ёрдам беради?

Президентимизнинг 2020 йил 24 ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тадбиркорлик субъектларидан давлат даромадига ундирилишини назарда тутувчи солиқ, бож, пеня, жарима ва бошқа тўловларни амалга оширишдаги муаммоларга ечим топилади.

Мазкур фармон билан Бизнес омбудсман ва савдо-саноат палатасига давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича қардор-тадбиркорлик субъектларининг манфаатини кўзлаб ижро ҳужжатлари юзасидан ижронини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисида ариза билан судга ва ижро ҳужжатини берган бошқа органга мурожаат этиш ҳуқуқи берилди.

Ушбу фармон асосида тадбиркорларнинг давлат олдидаги қарздорлигини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга шароит яратилиши уларнинг ишчи ўринларини сақлаб қолиши, тўхтаб қолган фаолиятини қайта тиклашга ва пандемия даврида молиявий ҳаёлини яхшилашга имконият беради.

Мазкур масалада ёки тарбиқорлик фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларда тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳудудий



бошқармада Кол-центр (66 210-11-01) ташкил этилган, шунингдек, палатанинг 1008 рақамли ишонч телефони ҳам ишлаб турибди.

Эгамберди РЎЗИЕВ, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

Дарғом каналида 2022 йилгача амалга ошириладиган бу лойиҳаларга 71,5 миллион доллар сарфланади ва уларни молиялаштириш учун Хитой ва Россия банклари ҳамкор-кредитор сифатида ишга жалб қилинмоқда.

Тойлоқда 4 та кичик ГЭС барпо этилади



Хусусан, “Шавдор” кичик ГЭСи 7,2 МВт қувватга эга бўлади. Ундан кўра ҳажми каттароқ - 7,4 МВт бўлган “ПК135+50” кичик ГЭСи қурилиши лойиҳаси ҳам айнан Дарғом каналида бунёд этилади. Шунингдек, кейинги лойиҳадаги сув иншооти электр станциялари - “Боғишамол-2” кичик ГЭСи 6,45 МВтгача, “ПК 102+00” кичик ГЭСи эса 6,4 МВтгача қувватга эга бўлади.

«Булунгур Феникс Строй» масъулияти чекланган жамияти негизда ҳам мини ГЭС қуриш режалаштирилган. Лойиҳа Испаниянинг «Nikami Enterprise» корхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

«Ислоҳотдан амалиётга»

Уларнинг бирига Франциянинг «Total Egen SA» компанияси инвестор сифатида белгиланган. Нуробод туманида қуриладиган ушбу қуёш фотоэлектр станциясининг қуввати 100 МВт бўлади. Умумий қиймати 100 миллион доллар бўлган лойиҳа жорий йил октябрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган. Лойиҳа доирасида 20 та янги иш ўрни яратилади.

Самарқандда 2 та қуёш фотоэлектр станцияси қурилади



Бундан ташқари, давлат хусусий-шериклик асосида қуввати 200 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилади. 2021-2024 йилларга мўлжалланган 180 миллион долларлик ушбу лойиҳа Каттақўрғон туманида амалга оширилади. Инвестиция дастурида «Самарқанд ГЭСлар каскади» унитар корхонаси (ГЭС-2Б)ни 2022 йилгача 21,7 миллион доллар маблағ асосида модернизация қилиш ҳам режалаштирилган.

Ёлғиз фуқаро – эътиборсиз қолди, дегани эмас

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан ҳокимлик, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамкорлигида "Якка-ёлғизларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда муҳтож шахсларни протез-ортопедик буюмлар ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш ҳолатини ўрганиш тўғрисида" қўшма қарор имзоланган.

Қўшма қарорга асосан ишчи гуруҳлар тузилиб, вилоятда рўйхатга олинган 1 747 нафар ҳамда қўшимча аниқланган 76 нафар якка-ёлғиз фуқароларнинг яшаш шароити, таъминоти, соғлиғи, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда протез-ортопедик буюмлар, реабилитация техник воситалари билан таъминланиши ва бошқа ҳолатлар тўлиқ ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижалари асосида якка-ёлғизларнинг 452 нафари тор доирадаги мутахассислар томонидан

чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, 602 нафарига врач рецепти асосида дори-дармон ва боғлов материаллари етказиб берилди. Шунингдек, 59 кишининг стационар, амбулатор ва уй шароитида даволаниши учун имконият яратилди. Бундан ташқари, 288 та ҳасса, 191 та ногиронлик аравачаси, 99 та эшитиш мосламаси, 58 та қўлтиқтаёқ, 22 та ходуюк - юриш мосламаси ва 11 нафарига кийим-кечаклар ва бошқа ҳаракат воситалари олиб берилди.



Шу билан бирга, 52 нафар ёлғиз фуқароларнинг турар-жойига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиб, 67 нафарининг уй-жойини таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқил-

ди, 21 нафарининг электр энергияси, табиий газ, солиқ ва алоқа хизмати бўйича қарзлари тўланишига, 274 нафарига бошқа турдаги (озиқ-овқат, моддий ёрдам, маиший техника, газ плиталари) ёрдамлар кўрсатилди.

Ўтган йили декабрь ойида вилоят прокуратураси ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида жойлашган "Саховат уйи"даги эҳтиёжманд фуқароларга 57 тадан ортиқ 6 турдаги техник-реабилитация воситалари тарқатилди. Янги йил байрами олди-дан прокурорлар раҳбарлигидаги 2-секторлар ҳудудида яшовчи якка-ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган фуқароларга ҳам ушбу воситалар топширилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида, бугунги кунда вилоятда ушбу турдаги жиҳозларга эҳтиёж тўлиқ қопланган. Бу борадаги тадбирлар давом эттирилади.

Учкун БУТУНОВ, вилоят прокуратураси ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи.

Президентимизнинг 2020 йил 29 январдаги "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида кластер қорамоллари ва наслчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига хориждан наслли қорамол, қўй ва эчкилар келтириш учун имтиёз берилган.



Нурободга Германиядан қорамол келтирилди

Нуробод туманидаги "Нуробод олтин аср чорваси" масъулияти чекланган жамиятига 2020 йил декабрь ойида Германиядан сут йўналиши бўйича 161 бош наслли қорамол келтирилди. Бунинг учун "Микрокредитбанк" АТБ Каттакўргон филиали томонидан 5 миллиард сўм кредит ажратилган. Хориждан кел-

тирилган қорамоллар белгиланган тартибда карантинга олинди, инспекциянинг Нуробод тумани бўлими томонидан тегишли тартибда давлат реестрига киритилди.

Б.САХДУЛЛАЕВ, Ўзгаишон инспекциянинг Нуробод тумани бўлими катта инспектори.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

Тўрақул ҲАКИМОВ

Бутун ҳаётини таълим-тарбия ишига бағишлаган, мусиқа санъати билмидони, собиқ Самарқанд педагогика коллежининг мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси Тўрақул Ҳакимов 2021 йил 8 январь куни 75 ёшида вафот этди.



Тўрақул Ҳакимов 1946 йил 1 апрель куни Самарқанд шаҳрида туғилган. Шаҳардаги 29-ўрта мактабни битиргач, мусиқа ва санъатга иштиёқи баландини учун Самарқанд мусиқа билим юртига ўқишга кирди.

1964 йилда ўқини муваффақиятли тугатган Т.Ҳакимов Самарқанд тарбиячилар тайёрлаш билим юрти ўқитувчилигиндан педагогик фаолиятини бошлади. Бир умр шу даргоҳда ишлаб, минглаб ўқувчиларга мусиқа илмидан сабоқ берди, истеъдодли ёшларга устозлик қилди. Иш билан бирга Ўзбекистон давлат консерваторияси (собиқ Тошкент давлат консерваторияси) да сиртдан таҳсил олди ва мусиқа санъати бўйича етук мутахассис сифатида шаклланди.

Тўрақул Ҳакимов турли йилларда турлича номланган Самарқанд педагогика коллежидан 56 йил меҳнат қилди. Фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаб, кафедра мудири, бўлим бошлиғи вазифаларида ишлади. Ҳамкасблари ўртасида тажрибали педагог, фаол ташкилотчи сифатида обрў қозонди. Бу давр мобайни-

да у нафақат маъруз таълим муассасаси, балки тизимдаги ўқув юртлири ўқитувчилари орасида ўз нуноси ёрнинг эга бўлди. Унинг дарс ўтиш услуби омалаштирилди, санъат соҳасидаги ижоди тарғиб этилди.

Илмий фаолият билан бирга мохир хонанда сифатида танилди. Юзлаб куй-кўшиқлар яратди. Вилоятимиз ва республикамиздаги маданий тадбирлар, фестивалларда иштирок этди. 1970, 1980 йилларда "Мархабо талантилар" кўрик-танлови ғолиби бўлди. Шунингдек, "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ибратли оила соҳиби, фидойи ҳамкасбимиз Тўрақул Ҳакимовнинг вафоти муносабати билан унинг фарзандлари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдира-миз. Ҳамкасбимизнинг хотираси қалбимизда мангу яшайди.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Самарқанд вилояти ҳокимининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Фойдаланилмасдан бўш турган давлат объектларидан келгусида самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 147-Қ-сонли қарорига асосан инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш эвазига баҳоланган бозор қийматида "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

| T/р | Объект номи | Балансда сакловчи ташкилот номи | Жойлашган манзили | Умумий ер майдони (га.) | Қури-лиш ости майдони (кв.м.) | Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар миқдори | | | Объектнинг баҳоланган нархи | Савдо санаси | Ариза беришнинг охириги муддати |
|-----|-------------------------------|---------------------------------|-----------------------------|-------------------------|-------------------------------|--|-----------------|------------------|-----------------------------|---------------|---------------------------------|
| | | | | | | Инвестиция миқдори (млн. сўм) | Киритиш муддати | Иш ўринлари сони | | | |
| 1 | 18-мактабнинг спортзал биноси | Пайариқ туман ҳокимлиги | Пайариқ тумани Истиқлол МФЙ | 0,019 | 191 | 200,0 | 12 ой | 8 та | 114 670 200 | 05.02.2021 й. | 03.02.2021 й. |

Ушбу объектларни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истигада бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳоланган шартлардан кейин "e-auksion.uz" сайтыда қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтыда яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган зақалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатидан аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчилар "Шахсий кабинет"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтыда махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукцион қатнашувчиларига дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошлангич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқача узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа

давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирилган ҳолда яқунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқланган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчиға ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга зақалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил:

Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-"А" уй, 6-қават, 604-хона. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси. Давлат активларини хусусий мулкка бериш бўлими.

Маълумот учун телефонлар:

66-233-73-54, 91-537-32-12.

Факс:

66-233-73-54.

Facebook даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktivt.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktivt.uz

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ ХИЗМАТИНГИЗДА

Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр ва иссиқлик энергиясига оид масалалари бўйича ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни, уларни содир этишга имкон яратувчи сабабларни ва шароитларни бартараф қилиш ва олдини олиш мақсадида "Ўзэнергоинспекция" Самарқанд вилояти ҳудудий бўлимида **66-222-56-76** рақамли ишонч телефони мавжудлиги ва ишлаб турганлигини маълум қиламиз.

"Ўзэнергоинспекция" Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Ургут туманидаги «TOURIST SKD» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307541058) ўз устав фондини 626 037 000 (олти юз йигирма олти миллион ўттиз етти минг) сўмдан 182 037 000 (бир юз саксон икки миллион ўттиз етти минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетдада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут шаҳарчаси Гулистон маҳалласи, И.Рофиев кўчаси.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарход нотариал идорасида марҳум Сулайманов Бахтиёр Ташболтаевичга (2018 йил 31 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ шаҳарчаси Чўлпон кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Аб-

лакулов Даврон Мардановичга (2020 йил 11 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Бартоев Уктам Хамдамовичга (2020 йил 6 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Мамаюсуфга (2020 йил 25 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Самиев Джалилга (1973 йил 24 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиева Умида Махмудхоновна нотариал идорасида марҳум Алиджанов Руслан Негматовичга (2020 йил 9 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиева Умида Махмудхоновна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Курчатов кўчаси, 9-«В» уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бобомуродов Пирмат Исомидинович нотариал идорасида марҳум Сафаров Сами Сафаровичга (2018 йил 14 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бобомуродов Пирмат Исомидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Абдуллаев Нодир Джамолиддинович нотариал идорасида марҳум Рустамов Илгор Маруповичга (2019 йил 7 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Абдуллаев Нодир Джамолиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани У.Самиев кўчаси, 1-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадинова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Қосимов Раҳмат Хайриллаевичга (2015 йил 29 сентябрда

вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадинова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ургут иқтисодиёт касб-хўнар коллежидан 2019 йилда Мавлонова Баҳора Асқар кизи номига берилган рўйхат рақами 716, К № 0358528 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

1-Самарқанд педагогика коллежидан 2011 йилда Абдуҳақимов Одилов Ахрор ўғли номига берилган рўйхат рақами 3515, К № 2068634 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

1-Самарқанд педагогика коллежидан 2019 йилда Худойбердиев Шахриддин Фахриддинович номига берилган рўйхат рақами 200, К № 5577501 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг гербли думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги «AL-MALIK HIKMAT» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 303118269) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 2019 йилда Овлакулов Сирожиддин Зайниддинович номига берилган рўйхат рақами 376, В № 1033308 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент тўқимачилик ва энгил саноат институтидан 2006 йилда Аллаева Озгун Шодиёрова номига берилган В № 223845 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жисмонан чиниқиш ҳарбий хизматчи учун муҳим

Самарқанд шаҳридаги ҳарбий қисмда спорт билан шугулланувчи аскарлар ва ҳарбий хизматчилар вазоди мавжуд. Вазод учун ажратилган бино фоесида аскар ва зобитлар спортнинг турли йўналишларида эришган медаль, диплом ва кубоклар бурчаги ташкил этилган.

– Ҳарбий хизматчиларимиз спортнинг бокс, кўл жанги, аралаш жанг турлари бўйича ўтказилган кўплаб мусобақаларда голиб бўлган, – дейди спортчилар вазоди командири ўринбосари, катта лейтенант Бекзод Дадажонов. – Ўтган йили пандемия туйғайли кўплаб мусобақалар қолдирилди. Аммо аскар ва ҳарбий хизматчилар машғулотларда мунтазам қатнашди. Чунки ҳарбий хизматчининг спорт билан шугулланиши нафақат унинг саломатлиги қолаверса, жисмоний бакуват бўлишига хизмат қилади. Ҳарбий хизматчи Далер Йўлдошев кўл жанги

бўйича Ўзбекистон чемпионатида ва яқинда ўтказилган вилоят ҳокими кубоги мусобақасида биринчи ўринни кўлга киритган. Тўғарак аъзоси Азизбек Ақромов ҳам ҳоким кубогида ўз вазн тоифасида биринчиликини эгаллади. Ўтган йил октябр ойида Сербияда ўтказилган кўл жанги бўйича жаҳон чемпионатида оддий аскар Дилшод Гадов кумуш медаль билан тақдирланди ва 2021 йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасини кўлга киритди. Андижон шаҳрида ҳарбий хизматчилар ўртасида ташкил этилган мусобақада оддий аскар Қобилжон Раҳимов



олтин медалга эга чиқди.

Бундан ташқари, спорт тўғрақлари ташкил этганмиз. У ерда ҳарбийларнинг фарзандлари бокс, кўл жанги, волейбол, енгил атлетика машғулотларида қатнашади.

Дилнавоз Шерқулова, кўл жанги бўйича етти карра жаҳон ва Ўзбекистон чемпиони, боксчи, курашчи, велопойгачи:

– Мен учун ҳарбий хизматни фақат эркак киши ўташи керак, деган тушунча йўқ. Ёшлигимдан спортга қизиқишим

кейинчалик ҳарбийликка ҳавасимни уйғотди. Бу касбни танлаганимдан фахрланаман. Кўпчилик аёл кишига ҳарбийлик қийин дейди. Аслида олдиндаги қийинчиликни сабот билан енгган инсон ўша касбга меҳр қўяди.

Ҳарбийларнинг 30 нафардан ортиқ фарзандларига машғулот ўтаман. Болалар билан ишлашнинг завқи бошқача. Баъзи пайтда улардан ҳам кўп нарсаларни ўрганаман. Келажакда шогирдларим орасидан жаҳон чемпионлари чиқишига ва ҳарбийлик касбини танла-

шига сабабчи бўлсак, олдимизга қўйган мақсадга эришган бўлаемиз.

Баҳодир Назаров, кўл жанги, бокс бўйича кўп карра жаҳон чемпиони, уч карра умумармия ўйинлари голиби:

– Касбдошларим ва оддий аскарлар орасида спортчилар кўп. Улар спортнинг турли йўналишлари бўйича машғулотларда ва мусобақаларда мунтазам иштирок этиб, голибликни кўлга киритиб келмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг 7 ёшдан катта ёшдаги фарзандлари билан уларнинг қайси спорт турига кўпроқ қизиқишини ҳисобга олган ҳолда ишлаймиз. Чунки қизиқмаган спорт турига жалб этиш ундаги иштиёқни сўндиради. Бу борада уларнинг ота-оналарига уйда ҳам имкон қадар шундай шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берамиз.

Ҳар қандай йигит ҳарбий хизматга келишидан олдин енгил атлетика ва бошқа спорт тури билан шугуллангани маъқул. Йилдан йилга оддий аскарлар орасида спортга қизиқиши юқори ёшлар кўпаймоқда. Бу албатта, ҳарбий хизматда асқотди. Чунки ёшлигидан чиниққанлар бошқа аскарларга қараганда анча тетик бўлади.

Ҳусан ЭЛТОЕВ.

«Узимизга фойда»

Давлатимиз раҳбарининг Парламентга Мурожаатномасида “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” деган ғоя асосида ислохотларни амалга ошириш кераклиги таъкидланди.

СамДУ Ургутга “кўчади”(ми?)



Қолаверса, 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилди. Ёш авлоднинг тарбияси қанча эрта бошланса, унинг натижаси шунчалик самарали бўлади. Шунинг учун тарбияни бола туғилишиданок бошлаш лозимлигига эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан ҳам таълим сифати ва самарадорлигини ошириш белгиланган. Мазкур қарор ижроси юзасидан 2020 йил 3 декабрда вилоят ҳокимининг фармойиши қабул қилинди. Унга кўра, вилоят халқ таълими тизимида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга оид муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш мақсадида олий таълим муассасалари билан умумий ўрта таълим мактаблари ўртасидаги ҳамкорлик кучайтириладиган бўлди.

Ушбу фармойиш билан Самарқанд давлат университетига Ургут туманидаги 56 та мактаб бириктирилди. Факультетимиз профессор-ўқитувчилари туманининг 4-, 5-, 6-умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш бўйича режа-график асосида иш бошлади. Рейтинги энг паст бўлган мактаблардаги муаммолар ўрганилиб, таълим сифатини кўтариш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилмоқда. Белгиланган мактабларда ҳар ҳафта амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, тегишли амалий-методик ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда. Ўқувчилар билими ва олган баҳоларининг ҳафталик, ойлик мониторинги юритилмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг пухта билим олишидан олий ўқув юртлири ҳам манфаатдор. Эртага шу ёшлар университет ва институтлар талабаси бўлиб, эгаллаган соҳасининг мутахассиси-га айланади. Бугун уларга бошланғич билимларни яхши ўзлаштириб, кейин олий таълимга келишига эришсак, бу аввало, ўзимизга фойда.

Ахтам НИЗОМОВ, Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Сорахон

Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Ширин (Сорахон) Мелиева ҳаёт бўлганда 100 ёшга тўлган бўларди.

Санъат оламига кирганлар кўпчилики. Лекин улардан саноклиларигина бу оламда ўз ўрнини топади. Ширин опанинг машаққатли, ибратли умр йўлларига назар ташлар эканмиз, бу ҳақиқат қайта-қайта аён бўлаверади. Санъат, айниқса, театр санъати фидойиликни талаб қилади. Лекин ҳар қандай фидойи санъаткор аёл биринчи навбатда она, уй бекаси ҳам бўла олмоғи лозим. Демак, у икки карра фидойи бўлиши керак. Бу эса санъаткордан жуда катта куч, сабр-тоқатни талаб қилади.

...Шириннинг ота-онаси ҳаётдан эрта кўз юмган. Хайриятки, ўша йиллари Паст Даргом туманида колхоз ёшлари мактаб-интернати очилиб, укаси билан шу маскандан паноҳ топишган. Мактаб бадиий ҳаваскорлик тўғраги раҳбари Тиллаҳон Каримова Шириннинг саҳнага ҳавасини англаб, уни тўғарак машғулотларига жалб этади ва мураббийлик қилади.

Интернат саҳнасида Комил Яшиннинг «Гулсара» драмаси кўйилиб, асар қаҳрамонининг жафокаш онаси – Ойсара ролини ижро этган Шириннинг бурро тили, саҳна ҳаракатлари эътиборга тушди. Умидли санъат гунчаси, ёрқин истеъдод соҳибаси туғилаётганлигидан дарак эди бу. Спектаклдаги шу ролни қойилмақом урдалаган сўнг Ширинни кўпчилик Сара, Сора, кейинчалик, Сорахон деб атайдиган бўлади.

1937 йили Ширинни Каттакўрғон шаҳар театри жамоаси ўз баргига олди. Қизиги, шундаки, ёш санъаткорнинг катта театр саҳнасидаги биринчи роли ҳам «Гулсара»даги она – Ойсара роли бўлди.

Каттакўрғон театри саҳнасининг ўттинчи йиллардаги умидли юлдузларидан саналган Сорахон асосан устозларига, уларнинг қимматли маслаҳатларига, бой тажрибаларига таяниб иш тутайди. Театрнинг ўша пайтдаги режиссёрлари Ҳалим Юсупов, Александр Михайленко, Зубайдулла Рўзиев, етакчи артистлардан Баҳри Жалилов, Раҳмон Ризаев, Абдурауф Болтаев, Турсун Йўлдошев, Лола Мельниковалардан саҳна сирларини кунт билан ўрганди. Айниқса, Шириннинг камолот пиллапояларидан илдам кўтарилишида унинг мазкур санъат даргоҳида толган чин бахти, умр йўлдоши Турсун Йўлдошевнинг хизматлари бекиёс бўлган.

Бизнингча, жангтоҳлардаги ўз ёрқини садоқат билан етти йил куттиш Ш.Мелиеванинг «Қасам ва фронт»даги яратган ролини гавдалантиришда муҳим рол ўйнаган бўлса ажаб эмас. Ш.Мелиева яратган роллар дастаси ғоят ранг-баранг. Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасида Ҳожи она Хонзода, «Майсаранинг иши»да Майсара, «Холисхон»да Мастура сатанг, У.Ҳожибековнинг «Аршин молон» комедиясида Гулчехра, Зиннат Фатхуллиннинг «Гўнчалар» асарига Нигора, Комил Яшиннинг «Нурхони»да Кимё, «Офтобхон»да Афтобхон, Б.Раҳмоновнинг «Сурмахон» асарига Сурмахон, Гоголнинг «Уйланмиш» комедиясида Агафья Тихоновна, Г.Лорканинг «Қонли тўй» драмасида она роллари шулар жумласидандир. Унинг талқинидаги Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзгалони» спектаклида Фармонбиби роли ўзига хос маҳорат билан яратилган.

– Ўғлим Баҳодиржоннинг қўлида (режиссёрлигида демоқчи) рол ўйнаганигидан бошим



Турсун ака ва Ширин аянинг суюкли фарзанди Баҳодир Йўлдошев бугунги ўзбек миллий театр санъатининг даргаларидан бири, таникли режиссёр.

Ширин Мелиева 1948 йилдан 1978 йилгача Каттакўрғон драма театри директори ва бадиий раҳбари вазифасида самарали хизмат қилди.

Опахоннинг елиб-югуришлари боис театр янги, замонавий бинога эга бўлди. Ширин ая жамоатчи, ташкилотчи аёллардан эди. У ўн икки йил Каттакўрғон шаҳар хотин-қизлар кенгашига етакчилик қилди.

Ширин Мелиеванинг ўзбек театр санъати ривожига хизматлари муносиб баҳоланди. У кишига 1953 йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1964 йил «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари берилди. Мамлакатимиз истиклолнинг кувончу шодликларидан баҳраманд бўлган опахон 1998 йил Президентимиз фармони билан юксак мукофот – «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

– Бекиёс санъаткор Ширин Мелиеванинг хотирасини абадийлаштириш, Каттакўрғон шаҳридаги маданий маскан ёки кўчалардан бирига у кишининг номини бериш таклифи ижобий ҳал этилади, деб ўйлаймиз, – дейди Каттакўрғон шаҳар драма театри директори Ботир Тугалов. – Ширин аянинг маънавияти-мизни оқсатиришдаги хизматлари ана шундай ҳурмат-эъзозга муносиб.

Абдуазиз ҲОШИМОВ, Республика театр арбоблари уюшмаси аъзоси.

“Ота” деган сўзнинг қадр-қимматини, бу зотнинг фарзанд ҳаёти, тақдирдаги ўрнини отам чин дунёга рихлат қилганидан кейин яна ҳам теран англагандекман. Лекин олимпиаданинг йўлчи юлдузи, меҳрибон инсонимиз атрофимизда жисман йўқлигига кўникиш оғир бўлаётгани ҳам ҳақиқат. Уйдаги, ишхонадаги қайси бир буюм, кийим-кечак у кишини эслатади, отам билан боғлиқ хотираларни кўз олдимизда гавдалантиради. Ана шу хотиралар, отамнинг қалбимиздаги, кўз ўнгимиздаги нурли сиймоси ҳамон бизга куч-қудрат бағишлаб, бизни олдинга бошлайди, айрим қийинчилик ва муаммолар олдида қалқон бўлади.



Ота ибрати

Отамнинг ибратли, юксак инсоний хислатлари бор эдики, у кишини яхши билган инсонлар буни кўп таъкидлашади. Бирор киши билан танишса, шунчаки номига эмас, ота-бобоси, қавмини суриштириб, яқин муносабат ўрнатишга ҳаракат қиларди. Сўхбатдоши айтган инсонлар орасида ўзи таниганлари номини айтишса, албатта, улар ҳақида сўраб-суриштирар, улар билан боғлиқ ибратли воқеаларни сўзлаб, салом айтар ва кейин ўзи бориб йўқлашга ҳаракат қиларди. Бу билан янги сўхбатдошни ўзига яқин оларди ва дўстлик ришталарини мустаҳкам боғларди. Шунинг учун қаерга борсам, ким билан сўхбатлашсам “Тошбўри Қиличевнинг ўғлиман” деб айтсам, отамни таниган-билганлар унинг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги ва чин инсоний фазилатларга эга эканлиги ҳақида узоқ гапиришади. Самимий муносабатлари билан отамга бўлган ҳурмат-эҳтиромларини намоеён этишади. Баъзида отам раҳбарлик вазифаларида ишлаганлари учун, таниш-билишлари кўп бўлгани учун бизга шундай муносабатда бўлишади, деб ўйлаганман. Лекин кейинчалик англадимки, отам лавозимда бўлганида ҳам, оддий вазифаларда ишлаганида ҳам аввало, инсоний хислатлари билан элнинг ҳурмат-эҳтирмига сазовор бўлган экан.

Бу хислатлар отамга Қилич бобомдан ўтган бўлса, ажабмас. Бобом чорвадор бўлган. Отам ҳам у кишига эргашиб қўй қоққан, чорвадорликка ҳавас қўйган. Шунинг учун мактабни битиргач, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ўқиб, зоотехниклик касбини танлаган. Ўқини қизил диплом билан битиргач, институтда қолиб илмий иш қилиши, шахарда ишлаши ҳам мумкин бўлган.

Қишки капалак

Қаҳратон қиш палласи, ташқарида оппоқ қор кўрпаси, ҳаво эса аёвсиз совуқ эди.

Чол бехосдан дераза раҳида турган кўнғир-сарик рангли капалакни кўриб қолди. «Шундай совуқ ҳавода капалак?!» Ҳа, бу қиш капалаги...»

Капалакнинг қанотлари олтинранг жилва қиларди. Бениҳоя чиройли эди у.

Дераза ромига ёпишганича миқ этмай турар, ташқаридаги аёвни сезиб, ўз ажалини кутарди, чамаси. Ҳа, ҳозир у шундоқ ташқарида бирров чиқса, зумдаёқ нобуд бўларди.

Чолнинг ёши тўқсондан ошган, капалакники эса, эҳтимол, бир кун, ўн кун ёки бир ёшдир. Инсон ва капалак умри. Иккаласи ҳам умр. Аммо орадаги фарқи қаранг: тўқсон ёш қаёқда-ю, бир ёш қаёқда?

Лекин қишлоққа, қадрдон чорвадорлар даврасига мутахассис бўлиб қайтган. Фақат ўз қишлоғигамас, Нарпай туманидаги хўжаликнинг чорвачилик фермасида ишлаган. Кейин ўзимизнинг туманга келиб меҳнат қилди. Билими, амалий тажрибаси билан ўз хўжалигиди, туман, вилоят ва республика даражасидаги раҳбарлар ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди. Шунинг учун отамни кўп масъул вазифаларга тайинлашди ва у киши раҳбариятнинг бу ишончини ўзининг серкирра фаолияти билан оқлади.

Жарқудуқ қишлоғидаги қўйчиликка ихтисослашган чорвачилик фермасида наслчиликни тўғри йўлга қўйиш, қўйни оилавий пудрат асосида боқишда отамнинг хизматлари катта бўлганини шу соҳа вакиллари ҳамон яхши хотиралар билан эслашади. Ана шу ташаббус билан 1975-1980 йилларда вилоятдаги барча қўйчилик ва қоракўлчилик хўжаликлари тўлиғича оилавий пудрат ҳуқуқий шаклига ўтди. Бу биринчи навбатда, чўпонлар ва чорва орқасидан рўзгор тебратаётган ишчиларнинг манфаатдорлиги ошишига имконият яратди.

Отам Қилич бобом тўғрисида доимо фахрланиб гапирар, илиқ хотираларини эслаб, бизларга ибрат қилиб кўрсатарди. Бобомиз каби ҳалол-покиза ишлаб, эл-улус ичида обрў топишга интилиб яшашга даъват қиларди. Бугун бундай хотираларни фарзандларимизга айтаямиз. Чорвадорлик, элга қамбарбасталик бизга бобомиздан, отамиздан мерос бўлиб ўтган. Умид қиламизки, фарзандларимиз ҳам шу ишни давом эттиришади ва боболарига муносиб бўлишади.

Тўлқин РАҲИМОВ.

«Новелла»

ниҳояси, менинг ҳам умримнинг ниҳояси бўлса керак. Аллоҳ таоло беҳудага уни хонамга юбормагандир. Буюм бир илоҳий қаромат эканлигини кўнглим сезиб турибди. Ҳа, капалак билан бирга ўлсам керак».

Чол дарҳол таҳорат олиб покланди, яратганга тоат-ибодат қилди ва оҳиста дераза ёнига келиб капалакка қаради. «Капалак тошдек қотиб қолганди. Аёздан, уни қарангки, майдагина тирқишча бор экан қаршисида. Миқ этмайди-я! Ҳа, ўлган! Ўлган. Энди эса навбат менга».

Чол капалакни авайлабгина ҳовучига олди ва ён томонига қараб маънос оғди, ададсиз бир илоҳий ҳузур оғушида ҳушини йўқотди... Қандай гўзал ўлим бу! Муроид УМРОҚОВ.

Zarafshon AMARQANDSKIY ESTNIK

МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 19 876 нусxada чоп этилди. Буюртма 23. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



ҚАБУЛХОНА: (66) 233-91-51, РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: (66) 233-91-56. БЎЛИМЛАР: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуг Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи. Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Нощир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ШЕРХОЛОВ. Навбатчи: Ё.МАРҚАЕВ. Саҳифаловчи: Б.АДДУЛЛАЕВ. Сотишда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X. 9 772010 1667009